

## Германияда мусулмонлар учун инновацион кроссовкалар ишлаб чиқилди



16:36 / 28.09.2020 1997

Университетда дарс берадиган германиялик мусулмон профессор Йорг Имран Шретер дунёвий таълим муассасасида таҳорат олишга бўлган ноқулайликларга доимо дуч келган. Натижада ушбу муаммони ҳал қилиш учун у оёқларини ювишга қулай бўлган инновация, яъни мусулмонлар учун оёқ кийими кроссовкасини ишлаб чиқди. Бу ҳақда [islam.ru](http://islam.ru) сайти хабар берди. Доктор Шретер анъанавий «хуффайн» намоз пайпоғини замонавий спорт кроссовкалари билан бирлаштирди, улар кундалик кийишга жуда ҳам қулай.

Хуффайн - бу махсус бардошли ва сув ўтказмайдиган пайпоқ. Ушбу енгиллик ҳам совуқ, ҳам илиқ, уйда ёки йўлда, ҳам эркак, ҳам аёлга, ҳам касал, ҳам соғлом одамга тегишли. Доктор Шретернинг ихтиросини

шариатга мувофиқлигини билиш учун «Ал-Азҳар» университети (Миср) мутахассисларидан тасдиқ олинган. Диншунос уламолар профессор томонидан яратилган ибодат поябзалини шариат талабларига жавоб беради деган фатвони беришган.

***Хуршид Маъруф тайёрлади***